


## Тара Шарифий Альберт Эйнштейнни ортда қолдирди



06:00 / 02.07.2019 3610

Буюк Британиянинг Эйлсбери ўрта мактабида таълим оладиган 11 ёшли муслима Тара Шарифий IQ Менса тестида 162 баллни қўлга киритди. Бу ҳақда [islam.ru](http://islam.ru) нашрига таяниб [muslimaat.uz](http://muslimaat.uz) сайти хабар беради.

Бу натижа билан у «жуда ҳам ақлли» (даҳолик) чегараси бўлган 140 баллдан анча илгарилаб, Альберт Эйнштейнни ҳам ортда қолдирди (аслида Эйнштейн ҳеч қачон бу тестни топширмаган бўлса ҳам, тадқиқотчилар унинг даражасини 160 балл билан баҳолаганлар).

Шарифий топширган IQ тести унга Менса (юқори даражадаги интеллект соҳиблари учун энг машҳур ва энг қадимги ташкилот)га аъзо бўлиш ҳуқуқини беради.

Натижани кўриб ҳайратда қолдим, – дейди Тара. — Мен ҳеч қачон бундай яхши натижани кутмаган эдим. – Тестни топшириш ҳақидаги қарорга ота-онам билан маслаҳатлашган ҳолда келдим.

***Islom.uz*** портали таҳририяти